


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 4 сентябрь, № 188 (7690) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли, асосан, қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–6034-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг **кейинги босқичдаги вазифалари** этиб белгилансин:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган **интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш**, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг **онлайн кузатиб борилишини таъминлаш**, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан **электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш**;

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг **очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш**;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини **онлайн тарзда олиш** имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш**, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш **дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан **аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш** ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида **ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш**;

(Давоми 2-бетда).

**Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад — экспорт ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорларни топиш керак. Бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам юрмайди. Шунинг учун чет эллардаги талабни мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилликни таъминлаш керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## КЛАСТЕР ТУФАЙЛИ БАЛИҚЧИЛИК АГРАР УСУЛДАН САНОАТ УСУЛИГА ЎТМОҚДА



*Катта авлод вакилларининг айтишича, илгари балиқ нархи мол гўштиникидан беш баробар арзон бўлган! Бугун-чи? Бозорда балиқнинг баҳоси қанча? Супермаркетларда-чи? Балиқнинг айрим турлари мол ва қўй гўшти нархига етиб олгани айни ҳақиқат. Давлат статистика қўмитасининг ҳисоботида келтирилишича, 2020 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида гўшт, шу жумладан, парранда гўшти ва балиқ нархи 10 фоиз қимматлашган.*

### Долзарб мавзу



Хўш, балиқ маҳсулотлари аҳоли оғринмасдан харид қиладиган нархга қачон тушади?

Экспертларнинг изоҳлашича, балиқ баҳосига таъсир қилувчи бир неча омиллар мавжуд. Шулардан энг асосийси, гарчи кейинги пайтда балиқ етиштириш ҳажми ортиши кузатилаётган бўлса-да, кўрсаткичлар ҳали мамлакат аҳолиси эҳтиёжига етарли даражага чиққани йўқ. Таклиф кам шароитда талаб ортиши ва нарх юқори бўлиши эса бозор иқтисодиётининг ўзгармас қонуниятидир.

Шу боис балиқчилик тармоғини ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ташкил этилиб, тармоққа интенсив технологияларни жорий этиш, сув ҳавзаларидан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Мақсад балиқ етиштириш ҳажмини кескин ошириш орқали ушбу шифобахш парҳез маҳсулот баҳосини аҳолининг барча қатлами чўнтаги кўтарадиган даражага келтириш, қайта ишлаш қувватларини қайта тиклашдир.

➡ 2

ДУНЁ НИГОҲИ

## Жонажон Ватанимизнинг энг улуғ ва муқаддас байрами – чет эл оммавий ахборот воситаларида

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи дунё оммавий ахборот воситалари томонидан қизғин ва атрофлича ёритилмоқда.*

Хусусан, Туркиянинг **"TRT AVAZ"** телеканали 31 август куни бўлиб ўтган тадбирларни кенг шарҳлаб борди.

Туркиялик журналистлар томонидан 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Шаҳидлар хотираси" хиёбонига ташриф буюргани алоҳида қайд этилди. Таъкидланганидек, 1937 — 1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган. Уларнинг 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган.

Телеканал дастуридан Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими ҳамда Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали тадбирга ҳам кенг ўрин берилган.

Россиянинг **"МИР 24"** телеканали ушбу сана муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёевни кўплаб давлатлар раҳбарлари қутлаганини таъкидлайди. Чунончи, Ўзбекистоннинг миллий байрами билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, ХХР Раиси Си Цзиньпин, шунингдек, давлат раҳбарлари Дональд Трамп (АҚШ), Қосим-Жомарт Тоқаев (Қозоғистон), Сооронбай Жээнбеков (Қирғизистон), Режеп Таййип Эрдоған (Туркия), Гурбангули Бердимуҳамедов (Туркманистон), Эмомали Раҳмон (Тожикистон) энг эзгу тилакларини йўллагани айтиб ўтилди.

Озарбайжоннинг **"Trend" ахборот агентлиги** давлатимиз раҳбари нутқидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратди. Ўзбекистон кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратмоқда, дея қайд этади озарбайжонлик журналистлар.

Кейинги йилларида босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, ўзбекистонликларнинг эртанги куни, ўз куч ва имкониятларига бўлган ишончи янада ортмоқда. Мамлакатни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотлар бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда, дейилади агентлик хабарларида.

➡ 2

### Муносабат

## ФАОЛИЯТИМИЗ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ НУТҚ

*Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг 29 йили давомида нафақат иқтисодий жиҳатдан барқарор, балки ўзига хос адолатли жамият барпо этаётган давлат сифатида дунёга танилди. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи нафақат жамиятимизда кечаётган ислоҳотларнинг бугунги ҳолатига холис муносабат, балки кенг қамровлилиги, режа ва мақсадлар аниқлиги, чуқур таҳлилу таққосларга бойлиги билан юртимиз ҳаётида катта воқеликка айланди.*

*Бу ҳақда "Халқ сўзи" мухбири Олий Мажлис Сенати аъзолари билан суҳбатда бўлди.*

3- саҳифага қаранг. ➡

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## ФАЗОВИЙ МАЪЛУМОТЛАР ФАЗОНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАНМИ?

*Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳасида рақамлаштириш ҳамда инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда географик ахборот тизимлари ва мобиль иловалар шакллантирилмоқда ҳамда улар ёрдамида аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари ҳамда бошқа турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Хусусан, навигация хариталари, геопорталлар, интернет веб-сервисларининг маълумотлар базаси фазовий маълумотлардан ташкил топган.*

Бунда космик суратлар, дронлар орқали олинган маълумотлар, хариталарда кўрсатилган ер, бино-иншоот, аҳоли пунктлари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий объектлар ҳамда улар тўғрисидаги қўшимча маълумотлар фазовий маълумотларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юқорида қайд этилган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгандир.

Қўмита ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи йиғилишида депутатлар томонидан лойиҳада акс этган моддалар юзасидан турли хил фикрлар билдириб ўтилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Қонун лойиҳасининг пишиқ-пухталигини таъминлаш мақсадида қўмита аъзолари Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази фаолиятини ўргандилар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари, соҳанинг мутахассис ҳамда экспертлари билан бевосита мулоқотлар олиб бориб, уларнинг соҳага оид фикр ва мулоҳазалари билан танишди.

➡ 3

### Она замин саховати

## ХОНОБОД АДИРЛИКЛАРИ БАҒРИДА ЯШИРИНГАН СИРЛАР ОЧИЛЯПТИ

*Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида туризм салоҳиятини оширишдаги муҳим омиллардан бири — халқ табобати марказларини очиш ва шифобахш булоқ сувлари, доривор қум ҳамда тупроқ терапиясини жорий қилишда амалий изланишлар олиб борилди. Натижада Хонобод адирликларида ўндан ортиқ қадимий шифобахш булоқлар кўзлари очилди.*

Мазкур ҳудуддан неча асрлар тупроқ тагида "беркиниб" ётган, милоддан аввалги уч мингинчи йилдан милодий ўн иккинчи асргача узлуксиз фаолият кўрсатган кўҳна маъдан кони топилди. Конга оид аниқ маълумотларни тўплаш борасида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология маркази археологлари билан ҳамкорликда бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Натижада дунё тарихида ҳали ўрганилмаган саҳифа очилгани аниқланди.

Мазкур иншоотнинг топилиши мамлакатимиз ҳудудида беш минг йил аввал ҳам конлардан фойдаланиш маданияти ва қурилиш санъати сайқал топганининг яна бир далилидир. Яъни ушбу қадимий маъдан конидан қурилиш соҳаси учун зарур бўлган пардозбоп материаллар олинган.



Кон атрофида олиб борилган қазишмалар чоғида кўплаб археологик артефактлар аниқландики, уларнинг барчаси Хонобод адирликларининг, умуман, Андижон вилояти, Фарғона водийси тарихини янада ойдинлаштириши, аввал номаълум бўлган жиҳатларни очиб бериши билан аҳамиятлидир.

➡ 3

### Акс садо

## ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

*Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида турли синов ва курашларда тобланган, имон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ҳамда азму шижоатига ишонч билдириб, барча соҳа вакиллари қаторида эл-юрт манфаати йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган депутатлар ва сенаторларга ҳам ташаккур изҳор этди. Бу парламент аъзоларидан галдаги вазифаларни бажаришда янгича ёндашув асосида самарали фаолият юритишларини тақозо этади.*

*Мухбиримиз бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фикрлари билан қизиқди.*

3- саҳифага қаранг. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида **“SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш**;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга **онлайн тарзда**, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида **10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни** йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари **инфратузилмасини янада яхшилаш**.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича **“Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**28 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан **бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш**;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали **фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш**;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Белгилансинки, Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи **“Адолат” ахборот тизимлари комплекси** жорий этилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан **судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш**;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини **онлайн тарзда кузатиб бориш**;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда **автоматлаштирилган равишда шакллантириш**.

6. Олий суд 2020 йил якунига қадар:

суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи **мобиль дастурни ишлаб чиқсин** ва уни амалиётга жорий этсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида **видеоконференцалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар** билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

7. Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган **саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш**;

Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини **онлайн тарзда назорат қилиш тартибини** ўрнатиш.

8. “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар зиммасига суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиши режалаштирилган **ахборот тизимларини ишлаб чиқиш** ҳамда уларнинг **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш вазифалари** юклатилсин.

Белгилансинки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактабининг буюртмаси асосида доимий равишда “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар томонидан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш учун шартномалар белгиланган тартибда тузилади ҳамда шартнома нархи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган ўртача бозор нархи асосида шакллантирилади.

9. Ҳудудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилсин.

Олий суд Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга** қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан ҳудудлар кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

10. Судьялар олий мактаби бир ой муддатда судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулини киритсин.

11. Белгилансинки:

суд тизими учун дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

судлар фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Мазкур қарорнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

**Олий суд раиси** (К.Камилов) ва **Судьялар олий кенгаши раиси** (Х.Ёдгоров) Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдаги аҳамиятини муҳокама қилсин, шунингдек, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўрсин;

**Олий суд раиси** (К.Камилов), **ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** (Ш.Садиков) Дастур ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин;

**инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари** (Л.Қудратов) **Олий суд раиси** (К.Камилов) билан биргаликда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича қарорда белгиланган лойиҳалар ва тадбирлар ижросини таъминлаш учун халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи** (О.Умаров) Дастур ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига кўмаклашсин;

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори** (А.Ходжаев) Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамжамияти орасида суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳақида кенг тарғибот ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий роликларни мунтазам равишда жойлаштириш чораларини амалга оширсин.

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда **ахборот бериб борсин**.

14. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 сентябрь

# КЛАСТЕР ТУФАЙЛИ БАЛИҚЧИЛИК АГРАР УСУЛДАН САНОАТ УСУЛИГА ЎТМОҚДА

1

### Маҳсулдорликни қандай ошириш мумкин?

Дарҳақиқат, балиқчиликда маҳсулдорликни ошириш мақсадида хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилиб, амалиётга илғор усуллар кенг қўлланилмоқда. Бунда сув билан узлуксиз таъминлаш имкониятига эга бўлган балиқчилик хўжаликлари иш юритишнинг инновацион шакли бўлган кластерларга айлантирилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Сабаби балиқчилик кластерлари босқичма-босқич маҳсулот етиштиришнинг интенсив усулига ўтказилмоқда.

Тошкент вилоятидаги “TCT Fish Cluster” масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда биринчилардан бўлиб иш бошлаган балиқчилик кластерларидан бири ҳисобланади. У Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги тегишли қарори билан Қуйи Чирчиқ туманидаги “Балиқчи” акциядорлик жамияти негизида ташкил этилган.

Айтиш жоизки, янги тузилма олдига замонавий усуллар ва интенсив технологияларни жадал ўзлаштириш, сув ҳавзалари ҳолатини яхшилаш, мавжуд моддий-техника воситаларини тубдан янгилаш эвазига балиқ етиштиришни кўпайтириш, ҳатто экспорт қилиш вазифаси қўйилган эди. Шундай экан, ўтган вақт мобайнида ушбу вазифаларнинг ижроси қандай бўлди?

— Аввало, шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда тармоқни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда, — дейди “TCT Fish Cluster” МЧЖ раҳбари, сенатор Муртазо Раҳматов. — Бир мисол, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб балиқ етиштириш йиллик қуввати камида 50 тонна бўлган кластерлар дастлабки уч йил давомида барча солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилди. Бу маҳсулот етиштириш аграр усулда қолиб кетган балиқчилик тармоғини саноатлаштириш, унга инвестиция киритиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун жуда катта ғамхўрликдир. Чунки балиқчиликда аграр усулдан саноат усулига ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Ҳавзага балиқ чавоқларини ташлаб, табиий ҳолда ривожланишини кутиб ўтирадиган замон ўтиб кетди. Маҳсулдорликни ошириш учун Хитой, Вьетнам, Венгрия, Германия каби давлатларда ўзини оқлаган интенсив усулларни кенг қўллашимиз зарур. Кейинги пайтда юртимизда, асосан, Хитой усули оммалашмоқда. Бу эса ҳавзалар ўртача маҳсулдорлигини 15 — 20 центнердан 65 — 70 центнерга кўтаришга мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

### 4-5 йил ичида балиқ генофонди тўлиқ янгиланади

Хўжалик тасарруфидаги умумий ер майдони 3076,8 гектарга тенг бўлиб, шундан товар балиқ етиштириш мўлжалланган сув ҳавзалари 1780,2 гектарни ташкил этади. Улар кластер ихтиёрига берилгач, жамоа ишни мавжуд ҳавзалар ва сув йўлларини қайта таъмирлаш, мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Фақат ушбу йўналиш учун 967,1 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада қисқа вақт ичида ҳавзалар чуқурлиги 1,8-2 метрга етказилиб, ўтхўр балиқлар парваришлаш учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилди.

“TCT Fish Cluster” МЧЖ директори ўринбосари Тимур Алимовнинг айтишича, кластерда товар балиқ етиштириш ва бирламчи қайта ишлашнинг тўлиқ “занжири” яратилган. Айни пайтда бу ерда зоғорабалиқ, дўнгпешона (толстолобик), оқамур каби балиқ турлари парваришланмоқда. Балиқ чавоқлари олиш ва ўстириш учун 36,8 гектарлик ҳавзада она балиқлар парваришланса, 478,8 гектарлик ҳавзада кластер кўлларини балиқлантириш учун чавоқлар ташланади.

*— Форель, осётрь, лосось сингари балиқ турлари юртимиздаги табиий сув ҳавзаларида яшолмайди, — дейди М. Раҳматов. — Улар совуқ сув балиқлари ҳисобланиб, яхши ўсиб ривожланиши учун сувнинг ҳарорати ва озуқа таркиби муҳим аҳамиятга эга. Яъни сув ҳарорати 15 — 17 даража бўлиши ва юқори протеинли махсус омихта ем билан озиқлантирилиши талаб қилинади. Шу боис кластерда 10 гектар майдонда ёпиқ сув ҳавзаси бунёд этиш, уни сувни совитиш қурилмалари билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Махсус балиқ озуқаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида эса хорижий компаниялар билан музокаралар олиб бориляпти.*

— Балиқчилик ривожи кўп жиҳатдан унинг генофондига боғлиқ, — дейди Т. Алимов. — Бироқ Ўзбекистонда 30 йилдан буён балиқ генофонди янгиланмаган эди. Ушбу масалага ўтган йилдан буён давлат миқёсида эътибор қаратила бошланди. Биз ҳам балиқ генофондини янгилаш мақсадида Россия Федерацияси, Беларусь Республикасидаги бир қатор балиқчилик хўжаликлари билан музокаралар олиб бориб, яқинда Астрахан областидаги “Рыбопитомник Чаганский” балиқчилик хўжалиги билан келишувга эришдик. Шартномага кўра, 2021 йилнинг май-июнь ойларида барча балиқ турларининг личинкалари етказиб берилади. Бунинг натижасида яқин 4-5 йил ичида кластерда балиқ генофонди тубдан янгиланиб, маҳсулдорлик бир неча баробар ортишига эришилади.



### Эл дастурхонига 5340 тонна парҳез маҳсулот

Балиқчилик тармоғининг изчил ривожланиши халқимизни сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, соҳада мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда табиий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишда кенг имконият яратмоқда.

Етти хазинанинг бири бўлган балиқчиликни янада ривожлантириш учун мамлакатимизда сув ҳавзалари ресурслари ҳам, ишончли ва илмий асосланган лойиҳалар ҳам етарли.

Энг асосийси, улардан янада самарали фойдаланиш чораларини кўриш!

“TCT Fish Cluster”нинг салкам 500 кишилик жамоаси жорий йилги мавсумда элимиз дастурхонига 5340 тонна балиқ етказиб беришга аҳд қилган. Бунинг учун мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинаётир. Аммо бу чегара эмас. Ҳавзалар маҳсулдорлиги йил сайин ортиб бориши кутилмоқда. Масалан, келгуси йилда 6000 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган.

Табиий савол туғилади: бунга қандай эришилади?

Интенсив технологиялар ана шундай қўшимча имкониятларни тақдим этмоқда.

Гап шундаки, кластерда балиқ етиштириш секин-аста тўлиқ интенсив усулга ўтказилади. Бунда Хитой тажрибасига таянилаётгани амалда ўз самарасини беряпти. Шунинг учун яқинда интенсив усулда зоғорабалиқ етиштириш лойиҳаси доирасида Хитойнинг “E-LINE CO Ltd” компанияси билан шартнома имзоланди.

Айни пайтда мазкур компания томонидан ҳавзалар ёпиқ сув таъминоти қурилмаси билан жиҳозланмоқда. Лойиҳа қиймати 238536 долларга тенг бўлиб, қурилмалар шу йилнинг сентябрь ойида ишга туширилади. Бунинг шарофати билан ҳавзаларнинг ҳар гектарида 60 тоннадан 90 тоннагача товар балиқ овлаш имконияти юзага келади.

### Фосфорга бой маҳсулотлар ишлаб чиқарилади

Бугун соҳа корхоналари олдига нафақат балиқ етиштириш ҳажми, балки турларини кўпайтириш, истеъмолчиларга танлаш имкониятини яратиш вазифаси қўйилмоқда. Чунки ҳамон балиқ консервалари, форель, осётрь, лосось каби қимматбаҳо балиқларга бўлган ички эҳтиёж, асосан, импорт ҳисобига таъминланмоқда.

Шундай экан, “TCT Fish Cluster” импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпайтириш мақсадида қандай лойиҳалар устида ишламоқда?

Корхона раҳбарининг айтишича, 2022 йилда якунланиши белгиланган қиймати 55 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа айнан юртимизда кам учрайдиган ноёб балиқ турларини кўпайтиришга қаратилган.

— Форель, осётрь, лосось сингари балиқ турлари юртимиздаги табиий сув ҳавзаларида яшолмайди, — дейди М. Раҳматов. — Улар совуқ сув балиқлари ҳисобланиб, яхши ўсиб ривожланиши учун сувнинг ҳарорати ва озуқа таркиби муҳим аҳамиятга эга. Яъни сув ҳарорати 15 — 17 даража бўлиши ва юқори протеинли махсус омихта ем билан озиқлантирилиши талаб қилинади. Шу боис кластерда 10 гектар майдонда ёпиқ сув ҳавзаси бунёд этиш, уни сувни совитиш қурилмалари билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Махсус балиқ озуқаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида эса хорижий компаниялар билан музокаралар олиб бориляпти.

Келгусида кластер тизимида энг замонавий технологиялар жалб этилиб, балиқ шу ернинг ўзида чуқур қайта ишланади. Жумладан, дудланган балиқ, турли консервалар, фосфорга бойитилган котлет ва паштет, шунингдек, юқори сифатли бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Биргина ушбу лойиҳа доирасида 5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши, 850 та янги иш ўрни очилиши кутилмоқда.

Умуман олганда, “TCT Fish Cluster” балиқчилик кластеридаги бу каби лойиҳалар юртимизда балиқчилик саноатида амалга оширилаётган улкан ишлардан бир мисол холос. Зеро, ушбу соҳани ривожлантиришга давлат миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда. Балиқчилик кластерлари ва хўжаликлари самарали фаолият юритиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Президентимиз томонидан 2020 йил 29 август куни имзоланган “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор асосида балиқчилик соҳасига навбатдаги имтиёзлар бериляптики, булар, пировардида маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, унинг таннархи арзонлашишига олиб келади.

**Саид РАҲМОН**
**(«Халқ сўзи»).**

# Жонажон Ватанимизнинг энг улуғ ва муқаддас байрами – чет эл оммавий ахборот воситаларида

1

**Ўмондаги марказий газеталардан бири — “Wejhatt”** нашри ҳам Президентимиз нутқининг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритади.

Мақола муаллифи, газета бош муҳаррири Юсуф ал-Балуший Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мустақиллик куни муносабати билан тантанали тадбирдаги нутқини шарҳлар экан, давлат раҳбарининг коронавирус пандемияси, глобал иқтисодий инқироз, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий офатлар ҳамда техноген фалокатлар мамлакат учун жиддий синов бўлгани ҳақидаги сўзларига эътибор қаратди.

“Ҳозирги мураккаб вазиятда биз учун ғоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш — энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни биз аҳолимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтнинг ўзида ҳал этмоқдамиз” дея Президентимиз фикрларига урғу беради.

**РИА “Новости” ахборот агентлиги** чет давлатларга меҳнат қилиш ва ўқишга кетиб, пандемия туфайли қийналиб қолган Ўзбекистон фуқароларини ўз уйларига қайтариш, тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишларни қайд этиб ўтган.

Хусусан, агентлик ўз ўқувчилари эътиборини давлатимиз раҳбарининг “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”, деган сўзларига қаратган.

**“Sputnik” агентлиги** карантин чекловларига қарамасдан, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилаётганини юқори баҳолайди.

Аҳолининг асосий қисми ўзининг даромад манбалари ва турмуш даражасини сақлаб қолишга эришди. Карантин талаблари жорий этилиши натижасида 72 минг 500 та саноат корхонасидан 16 минг 700 таси ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Бу борада қилган тизимли ишлар ҳисобидан 16 минг 600 та корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланди, деб таъкидланади агентлик хабарларида.

Ҳиндистоннинг **“The Week”** нашри мамлакатимиз мустақиллиги муносабати билан Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкарнинг Ўзбекистон халқига йўллаган табригидан иқтибос келтиради. Унда Ҳиндистон ташқи маҳкама раҳбари икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликнинг янада ривожланишига ишонч билдиради.

Бундан ташқари, Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан халқаро жамоатчилик вакиллари ҳам ўз муносабатларини билдириб ўтди:

**Лоран БРИХАЙ, Брюссель пресс-клуби ижрочи директори:**

— Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим ўринга эга мамлакат саналади. У мустақиллик йилларида Европа Иттифоқининг асосий шерикларидан бирига айланди. Мамлакат Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясида муҳим роль ўйнайди. Мен Ўзбекистонда сўз эркинлиги борасидаги ишлар ортга қайтмас тус олаётганидан беҳад мамнунлигимни изҳор қиламан.

**Алишер БЕРДИЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# ФАОЛИЯТИМИЗ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ НУТҚ

## Эзгу ишларга камарбастамиз

**Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



— Юртимизнинг шонли тарихи ибратли саҳифаларга жуда бой.

Хусусан, Ўзбекистон тарихда нафақат меҳнат зафарлари ёки ер ости ва ер усти бойликлари, балки илм-фан тарихидаги ўз ўрни ҳамда интеллектуал салоҳияти билан ҳам бутун Ер куррасини лол қолдириб келган. Ёки айтайлик, эл бошига иш тушганда, матонатли ва донишманд халқимиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиб, ҳар қандай балою офатни бирга даф этган.

Ҳозирги пандемия шароитида ҳам халқимизнинг ушбу фазилати янада ёрқин намоён бўляпти. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида, хайрли мақсад йўлида бирлашган кўплаб ишбилармон, тадбиркор ҳамда фидойи юртдошларимиз тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак эзгу ишларни рўёбга чиқармоқдалар. Табиийки, сенаторларимиз ҳам бу хайрли ишдан четда тургани йўқ. Айримлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам берилишига бош қўшаётган бўлса, яна бирлари қийналиб турган инсонларга ўзининг ҳисобидан кўмак бермоқда.

Албатта, ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттирамиз. Бу борада биз учун Президентимизнинг нутқи, хусусан, ундаги: "Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди", деган сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

## Тадбирли одам хор бўлмас

**Бахтиёр УМАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



— Иқтисодчи ҳамда сенатор сифатида дунёнинг энг ривожланган давлатлари иқтисодиёти билан, улар қандай қилиб айни даражага кўтарилгани билан қизиқиб келаман. Айрим давлатларга оид маълумотларни варақлаганда, улар фақат ва фақат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг ривожлантириш ортидан ана шундай мақомга кўтарилганига амин бўласиз. Чунки тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини боқади, айни чоғда яна қанчадан-қанча инсонларни ишли қилади. Натижада улар Давлат бюджети тўлишига ҳам катта ҳисса қўшади.

Шу боис ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни кенг ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари нуқтида ушбу масала яна бир бор таъкидланди. Қайд этилганидек, бу йил биргина "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилмоқда.

Дарҳақиқат, қилинган ишлар кўлами кенг. Ана шу саъй-ҳаракатларимиз амалда ўзини оқлаяпти. Негаки, халқимиз қонида тадбиркорлик бор. Тадбирли одам эса ҳеч қачон хор бўлмайди. Бунинг учун имкониятларимиздан оқилона ва мақсадли фойдаланишимиз керак, холос.

## Ёшлар қонун ижодкорлиги жараёнида фаол қатнашади

**Фарахат САЪДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



— Юртимизда ёшларимиз ўзларини ҳар тарафлама тўлиқ намоён этишлари учун кенг имконият ва шарт-шароит яратиб берилмоқда. Билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, меҳнат қилишлари, ўзининг уй-жойига эга бўлишлари ёки тадбиркорлик соҳасида ўзларини кўрсатишлари учун нимаики керак бўлса, барчаси муҳайё қилиняпти. Фақат яқин-яқингача бир масалада муаммомиз бор эди. Яъни ёшларимизни қонун ижодкорлиги жараёнига фаол жалб этиш масаласида оқсаётгандик.

Айнан Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу муаммо бартараф этилди. Яъни Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари тузилди. Бу шунчаки тузилма эмас, унинг зиммасида залварли юк бор. Сенатдаги Ёшлар парламенти мисолида айтадиган бўлсак, мазкур тузилма аъзолари Сенатда қабул қилинаётган барча қонунлар, хусусан, ёшлар масаласига оид қонун ҳужжатлари юзасидан ўз таклифларини беришдан ташқари, Ҳукумат ҳозир қандай янги қонунлар қабул қилиши кераклиги ёки Ўзбекистонимиз ривожига нималар тўсиқ бўлаётгани тўғрисида фикрларини юксак минбардан туриб баралла айтадилар. Умуман, фарзандларимиз қонун ижодкорлиги жараёнида фаол қатнашадилар.

Нутқда Ёшлар парламентлари бежиз тилга олинмади. Энди ушбу янги тузилма аъзолари шу ишончга муносиб бўлмоғи, ишни шунга қараб ташкил этмоғи даркор.

## Ишонч масъулият юклайди

**Абира ҲУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ёшлар тарбияси барча замонларда ҳам энг муҳим, инсоният келажагини белгиловчи масала бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шу маънода, ҳар бир ота-она ўғил-қизини еру кўкка ишонмайди, нимаики яхшилик



бўлса, фарзандимга бўлсин, дейди. Улар камолоти йўлида тиним билмайди. Энди шу саъй-ҳаракатлар умумхалқ, яъни умумдавлат даражасига кўтарилса, қандай манзара касб этишини бугун ҳар биримиз кўриб-билиб турибмиз.

Бир мисол. "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига қарийб 1,7 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилганлиги Президентимиз нутқида алоҳида айтиб ўтилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Умумтаълим мактабларида Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси доирасида илк бор "Тарбия" фани ўқитила бошлайди. Бу жуда катта янгилик, деб бемалол айта оламиз. Негаки, фарзандимиз билимли, жисмонан бақувват бўлсаю одоб-ахлоқи жойида бўлмаса, ҳамма саъй-ҳаракатимиз ҳавога совурилади. Донишманд халқимиз бежиз: "Бола — тарбияси билан азиз", демаган, ахир.

Демак, ёшларимиз ҳам Президентимиз даъвати ва кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан, намунали хулқи, билим ҳамда тафаккури, истиқболли ғоя ва ташаббуслари билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоғи даркор. Бизнинг бош вазифамиз ёшларимизни ана шу руҳда камолга етказишдир.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



— Тантанали маросимда бевосита иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг нутқини катта ҳаяжон билан тингладим.

Президентимиз "Ҳақ берилмас, ҳақ олинур...", деганида бу ёруғ кунларимиз учун курашган аждодларимиз, хусусан, қатағонга учраган 100 минглаб ҳамюртларимиз, шафқатсизларча отиб ташланган 13 мингга яқин ватандошларимиз руҳи мустақиллигимиз тантанасида кезиб юргандай туюлди гўё.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида ўтган йиллар сарҳисоби билан бир қаторда келгусидаги вазифаларни ҳам белгилаб берар экан, хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодиётни тиклаш, бунинг учун биринчи навбатда, халқимиз соғлиғини сақлаш, шу билан бирга, аҳоли ҳамда тадбиркорларимиз учун шароитлар яратиб беришдек вазифаларни самарали ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Айниқса, электоратимиз бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб айтилган фикрлар мени тўлқинлантириб юборди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирилаётгани масъуллардан, шу жумладан, жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарларидан ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашишларини талаб қилади.

Ишонаманки, эртанги кунга аниқ мақсадлар билан қадам қўйишимиз, куч ва имкониятларни халқ фаровонлиги учун сафарбар этишимиз халқимизнинг, тадбиркор ҳамда ишбилармонларимизнинг эртанги кунга умид ва ишончини янада мустаҳкамлайди.

**Умиджон ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзоси:**



— Давлатимиз раҳбари ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган даъваткор ғоянинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди, мазмунини очиб берди. Дарҳақиқат, миллий юксалиш — улкан ҳаракатни талаб этади. Шу сабаб, 2017 йилда мамлакат тараққиёти учун миллий юксалиш босқичига пойдевор қўйилган — Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Сўнгги йилларда эришган юксак марралар ушбу муҳим ислоҳотларнинг самараси, деб биламан. Айниқса, ҳуқуқий ислоҳотлар мажмуини ҳосил қилган қонун ҳужжатларининг электрон умумхалқ муҳокамаси, раҳбарларнинг халқ олдида ҳисобдорлиги, мурожаатлар билан ишлаш маданияти, замонавий онлайн хизматлар кенгайиши, турли хил бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш каби ҳаётимизни енгиллаштирувчи омиллар адолат билан татбиқ этилгани буни исботлайди. Адолат ва қонунийлик барқарор бўлган мамлакатда юксалиш кафолатли бўлади.

Аслида ҳам, миллий юксалиш ғояси ислоҳотлар ким учун ва нима учунлигини, аҳамиятини очиб беради. Бундай тушунчага эга одамлар юксалиш йўлида бирлаша олади, ихтиёран завқ билан ишлайди, ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Уйғониш ва юксалиш ҳар бир фуқаронинг ўзига ҳам боғлиқ. Бунинг учун ўзгаришни, уйғонишни ўзимиздан бошлашимиз керак. Юксалиш учун "Менинг ҳиссам қандай бўлади?" деган саволни ўзимиз учун шиор қилсак бўлгани. Яъни ҳар биримиз дахлдорлик ҳиссини унутмасдан, ислоҳотларга ҳисса қўшиш ҳаракатида бўлишимиз шарт. Шуни тушуниб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсаккина, мақсадга тезроқ эришамиз.

**Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



— Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгариш ва мислсиз янгиланишларнинг барчаси халқимизни рози қилишдек эзгу мақсадга қаратилган. Хусусан, кейинги йилларда аҳолини қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайиб, ижтимоий ҳимояга нисбатан ёндашув бутунлай ўзгармоқда. Мисол учун, ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди, йил якунига кўра, уларнинг сони 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Мазкур тоифа аҳолини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун Давлат бюджетидан ўн икки ярим триллион сўм маблағ ажратилди.

Албатта, бу рақамлар ортида қанчадан-қанча меҳнатга лаёқатсиз аҳоли, ногиронлиги бор шахслар, боқувчисини йўқотган ва айни дамда вояга етмаган фарзанд тарбиялаётган ёлғиз аёлларимизнинг манфаатлари ётибди. Уларнинг яшаш шароитидаги муаммоларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, албатта, давлат сиёсатида нақадар тўғри мақсад белгиланганига амин бўламиз.

Умуман айтганда, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ҳар бир хонадонни камбағалликдан чиқариш бўйича сектор раҳбарларининг масъуллиги, "темир дафтар"-даги аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланаётган вазифалар давлат раҳбарининг шахсан назоратида бўлар экан, албатта, улкан муваффақиятларга шак-шубҳасиз, эришамиз. Бу борада ўз олдимга ҳам катта мақсадлар белгиладим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади — юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборатдир.

**Гулруҳ АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Юртбошимизнинг "Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман" деган мурожаати ҳар бир инсон қалбини фахр ҳамда ғурурга тўлдиради. Чунки тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани, янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратиш бизнинг, ҳар биримизнинг зиммамизда эканлигини билдиради.

Тантанали маросимда Президент томонидан "Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир" деган халқ мақоли тилга олинди. Партиямиз илгари сурган ғояларидан бири "ақлли тиббиёт" эди. Мана бугун кўриб турибмизки, тиббиётни ривожлантириш ҳаётий заруратга айланди. Шу боис ҳам қисқа вақт давомида йилларга татигулик ишлар, ҳақиқий маънодаги ҳаётбахш ҳужжатлар қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди.

Аммо бу хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмайди. Ҳали олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳам етарлича. Шунинг учун биз, халқ вакилларининг ушбу соҳада аҳоли соғлиғи йўлида зарур бўлган ҳар қандай ислоҳотни рўёбга чиқаришда кўзи ботир, қўли жасур, юраги жасоратли бўлиши лозим ва шарт.



Башарият тарихида Ренессанс — Уйғониш даврида улкан кашфиётлар, мисли кўрилмаган қурилишлар, глобал ўзгаришлар юз берган, даҳолар етишиб чиққан. Ўзбекистонда башорат қилинаётган янги бир Уйғониш — Учинчи Ренессанс даври юртимиз тарихи зарварақларида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши, мақсадли, тизимли олиб борилган тарбия, таълим натижасида келгуси авлод вакилларидан Улуғбеклар, Ибн Синолар етишиб чиқиши амалий воқеликдир.

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:**



— Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида жонажон Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофи сифатида бугун жаҳон миқёсида "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинаётганини фахр билан эътироф этиш жоиз. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик тараққиёти мобайнида барча жабҳа қатори экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси юзасидан Президентимиз ташаббуси билан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги конституциявий ислоҳотлар амалга оширилди. Булар мамлакатимиз экологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим стратегик кафолати бўлди. Бу, шунингдек, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи қонунларнинг изчил ижроси таъминланишида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Устувор вазифалар ижроси юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, Германия ва Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилган Тошкент металлургия заводи экологик жиҳатдан энг тоза ва хавфсиз бўлиб, йилига 500 минг тонна металл прокат ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Албатта, бундай муваффақиятларга мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан эришаётган эканмиз, уни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**«Халқ сўзи».**

## Фан фидойиси

*Кейинги йилларда барча соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Иқтисодий ривожланиш ва унинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлган салоҳиятли мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, хорижий давлатлар етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрловчи таълим тизими вужудга келиши натижасида қабул квоталари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораётир.*

# ҲАЁТ ЙЎЛИ — чинакам ибрат мактаби

Мамлакатимизда хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг ташкил этилиши бўйича илк қадамлар ҳақида гапирганда, иқтисодчи олим, академик Қаландар Абдураҳмонов ҳақида тўхталиш ўринли бўлади. Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали ташкил этилиши иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича кадрлар етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

1995 йилда очилган мазкур филиал мустақил Ўзбекистондаги илк хорижий олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида ушбу муассасани 3 518 нафар жаҳон даражасидаги юқори малакали иқтисодчи кадр, шу жумладан, 2 718 бакалавр ҳамда 800 магистр битириб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида самарали фаолият олиб боряпти. Таълим муассасасида иқтисодиёт, бизнес ва молия факультетлари, 6 та кафедра мавжуд. Филиалда "Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти", "Иқтисодий назария", "Молия ва кредит" илмий мактаблари фаолияти йўлга қўйилган.

Инсон қадри улуғланган юртда яшаймиз, ҳеч бир меҳнат эътибордан четда қолмайди. Бу мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида яна бир бор намоён бўлади.

Президентимиз Фармонига кўра, "Дўстлик" ордени билан тақдирланганлар орасида академик Қаландар Абдураҳмоновнинг ҳам борлиги қувончли ҳолат, албатта.

Меҳнат иқтисодиёти бўйича илмий мактаб яратган етакчи иқтисодчи олим бугунгача ўндан ортиқ фан докторлари, йигирмадан зиёд фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди. У кишининг юзлаб илмий ишлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари соҳада кадрлар тайёрлаш жараёнига муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилаётир. Меҳнат бозори ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлаш, Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда уни бошқариш, меҳнат социологияси, персонални бошқариш каби меҳнат иқтисодиётининг бошқа долзарб муаммолари у кишининг илмий асарларида кенг тадқиқ қилиниб, турли хорижий тилларда нашр этилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Академик олимнинг илмий асарлари дунёнинг нуфузли нашриётлари эътиборига тушган бўлиб, инглиз ва рус тилларида ҳам чоп этиб келинмоқда. Жумладан, Лондонда жойлашган "Scientific Publishing House IVG" ноширлик уйи Қаландар Абдураҳмоновнинг "Labour Economics Theory and Practice" ("Меҳнат иқтисодиёти:



назария ва амалиёт") дарслигини нашрдан чиқарди. Ушбу дарсликда стратегик тараққиётнинг ривожланиш жараёнида шаклланаётган инновацион ҳамда рақамли иқтисодиётда меҳнат муносабатлари, меҳнат бозорининг хусусиятлари, иш билан виртуал бандлик ва масофадан туриб ишлаш, иш билан бандликнинг барқарор шакллари ҳақида тушунчалар берилган.

Ҳар бир оиланинг тадбиркор бўлиши, мамлакатда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, меҳнатга бўлган рағбат, мотивация ва иш ҳақи, "ақлли иқтисодиёт", "истеъмол саватчаси", "муносиб меҳнат" каби энг замонавий билимлар кенг ёритилган. Мамлакатимизнинг меҳнат муносабатлари соҳасида улкан ўзгаришлар жараёнларини ўз кўзи билан кўриб, уларда бевосита иштирок этиб, бошқалардан кўра холис ҳамда ҳаққоний баҳо бериш имконига эга ўзбек олимининг бу борадаги фикр ва хулосалари эса, хорижликларнинг қизиқишини янада оширмоқда.

Қаландар Абдураҳмонов узоқ йиллардан буён меҳнат соҳасининг турли аспектларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиб келаётган етакчи олимлардан. Кўп йиллик самарали меҳнатлари натижасида иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Халқаро Бирлашган Фанлар академиясининг аъзоси, РТФА (Россия) ҳамда Нью-Йорк (АҚШ) академиялари академиги, Индонезиянинг Гунадарма университети фахрий доктори илмий унвонларига, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Россия Федерациясининг "Пушкин" медали ва "Дўстлик" ордени давлат мукофотларига лойиқ топилган.

Умуман, Қ. Абдураҳмонов мамлакатимиз илм-фани, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида билимини аямайдиган фидойи инсонлардан бири. Келгусида бу борадаги ишларида янада фаол ва ташаббускор бўлишига ишонамиз.

**Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ФАЗОВИЙ МАЪЛУМОТЛАР ФАЗОНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАНМИ?

◀ 1

Депутатлар геофазовий маълумотлар базаларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларида ахборот хавфсизлиги талабларини кучайтиришга ва давлатнинг мудофаа ҳамда миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қатор ташаббусларни илгари суришди. Шу билан бирга, айрим моддалар халқ вакилларининг эътирозларига ҳам сабаб бўлмоқда.

— Қонун лойиҳасида ваколатли давлат органига "Фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш" ваколати таклиф қилинган, — дейди қўмита аъзоси Дониёр Ғаниев. — Бугунги кунда мамлакатимизда фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш ҳамда тақдим этиш фаолияти билан асосан, янги IT стартаплари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари шуғулланиши инобатга олинадиган булса, мазкур норма соҳада фаолият юритадиган бизнес вакиллари фаолиятига бюрократик тўсиқ яратиши мумкин. Қолаверса, бу мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига берилаётган имконият ҳамда имтиёзлар, уларнинг фаолияти устидан давлат органларининг назоратини чеклаш ва эркин фаолият муҳитини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларга зиддир.

— Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида уларнинг тўғридан-тўғри ишлашига жиддий эътибор қаратилади, — дейди қўмита аъзоси Шоҳиста Турғунова. — Қўмитамиз томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур қонун лойиҳаси ҳам ҳаволаки нормалардан холи эмас. Хусусан, фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган низом асосида белгиланиши кўзда тутилган. Низомдаги талабларни бевосита қонун лойиҳасида акс эттириш ва бу орқали қонуннинг амалиётда тўғридан-тўғри ишлашини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

— Бугунги кунда эркин бозор иқтисодиёти муҳитини яратиш, бозорда рақобатни таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган, — дейди қўмита аъзоси Бахтиёр Маниязов. — Қонун лойиҳасида эса ваколатли давлат органи томонидан фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси масалалари бўйича нарх сиёсатини олиб боришни таъминлаш таклиф этилмоқда. Бу эса тўғридан-тўғри эркин бозор иқтисодиёти принципларига қарама-қарши бўлиб, амалдаги рақобат тўғрисидаги қонун талабларига ҳам тўғри келмайди. Қолаверса, нархларнинг давлат органи томонидан белгиланиши бозорда рақобатнинг сусайишига олиб келиб, соҳанинг ривожига салбий таъсир кўрсатади ҳамда коррупция ҳолатларига йўл очади.

Қўмита ҳузуридаги ишчи гуруҳ сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан берилаётган таклиф ва тавсияларни ўрганиб чиқмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЮРТ ОБОД, КЎНГИЛЛАР ШОД

*Яқин ўтмишда мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан деярли ажралиб, ҳарбийлашган шаҳар сифатида ўз қобиғига ўралиб қолган Термиз шаҳри бугун том маънода ривожланишнинг янги даврини бошдан кечирмоқда. Тор йўллар, пасқам уйлар, ночор ижтимоий-маиший шароитлар энди тарихга айланаётир...*

## Ифтихор

Бундай ўзгаришлар кўлами нафақат шаҳарлар, балки энг чекка қишлоқ ҳудудларини ҳам қамраб олган. "Обод марказ", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ҳудудларимиз ҳаётида янги чизгиларни акс эттиряпти.

Чиндан ҳам, жамият ҳаётидаги янгиланиш, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари тобора авж олмоқдаки, бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Узоқ йиллар давомида масъул раҳбарлик вазифаларида ишлаб, бугун нафақа ёшида бўлсамда, вилоят нуронийларига етакчилик қилиб келяпман, юртдаги ўзгариш, янгиланишларни кўриб, рости, ғайратим ичимга сиғмай кетади. Қани энди ёшликка қайтиб қолсаму яна эл-юрт хизматига бел боғласам! Бундай дамларда халқимизга камарбаста бўлиш иштиёқи ортар экан юракда. Тўғри-да, бугунги кунларни, туб ўзгаришларни ким ҳам ўйлабди, дейсиз?! Биргина Сурхондарёда рўй бераётган воқеликларни кўриб, гувоҳи бўлиб, ҳайратланасан, қалбингда нафақат эртанги кун, балки келажак ҳақида орзулар барқ уради. Беихтиёр руҳланасан, ғурурланасан, киши. Зеро, жонажон Ватанимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши, халқимизнинг бахтли, фаровон ҳаётини таъминлаш, фарзандларимиз камолини кўришдек эзгу мақсад йўлида меҳнат қилиш том маънода шон-шараф ишидир, деб ўйлайман.

**Орзуқул СОАТОВ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ХОНОБОД АДИРЛИКЛАРИ БАҒРИДА ЯШИРИНГАН СИРЛАР ОЧИЛЯПТИ

◀ 1

Бу йўналишдаги фаолиятимиз Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланаётир. Соҳа экспертлари ҳамда сенаторлардан иборат ишчи гуруҳи шу каби турли истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашяпти.

Айтиш керакки, топилмалар Марказий Осиёнинг кўчманчи ва ўтроқ халқлари орасида кончилик илми, ҳунармандчилик ҳамда санъат соҳаси қадимдан ривож топганидан далолат беради. Ўша давр ва кейинги асрларда аждодларимиз шундай жойларни аниқлаб, у ерларда кон иншоотлари қуриб, маъданларни қайта ишлаб, маҳсулотлар тайёрлаганлар. Тайёр буюмлар Буюк Ипак йўли орқали турли мамлакатларга етказилган. Бундай стратегик аҳамиятга эга конлар махсус ҳимоя деворлари билан ўралиб, муҳофаза қилинган, кончилар ва қайта ишловчи усталар оилалари одатда кон атрофидаги майдонларда жойлашиб, ўтроқ яшаганлар.

Эътиборлиси, Хонобод Тянь-Шань тоғ тизмаси ва Помир — Олой тоғларининг туташган қуйи қисмида жойлашгани боис бу ердаги об-ҳаво нам, иқлим салқин бўлган. Шу туфайли, асрлар давомида бундай тарихий обидалар тупроқ остига кўмилиб, адирликларга айланган. Адирликлар этагида конларни ювиб турувчи шифобахш маъданли булоқлар бўлган. Қадимдан бу шифобахш булоқ сувларидан турли хасталикларни даволашда қўлланилган. Маъданлар эса ўтган узоқ давр мобайнида табиий хусусиятларини ўзгартириб, қизил қумларга айланган.

1970 — 1980 йилларда Андижон сув омбори қурилиши натижасида ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб, маъдан таркибидаги намлик ошади. Оқибатда тоғ жинслари таркибида вулқон маъданларининг ҳавога буғланиш даражаси аста-секин ошиб, қизил рангга кирган қум юқоридан пастликка суза бошлайди. Натижада булоқ кўзлари ва йўллари беркилиб, маскан 2006 йилда ёпилади. Дов-дарахтлар кесиб кетилади. Тарихий манбаларни дарахт томирлари беркитолмай қолгани сабабли уни ёпиб турган тупроқни ёмғир оқизиб кетиши натижасида шу кунгача номаълум бўлган ушбу қадимий обида очилиб қолган. Ана шу маъдан кон ва булоқ сувлари ҳимояси учун қурилган деворлар ҳам ўз шаклини ўзгартирган ҳолда ер юзасига чиқиб қолади.

Тааҗжубки, буни ҳанузгача бирор киши пайқамаган. Айни пайтда ушбу жой мутахассис олимлар ҳамкорлигида ўрганиляпти. Маҳаллий аҳоли вакилларининг айтишича, ўтган асрнинг 80-йиллари бу баландлик пастидан қадимий сопол идишлар, 100 — 200 литр ҳажмдаги кўзалар жамламаси топилган ҳамда номаълум кишилар томонидан ташиб кетилган ва ҳанузгача ер 3 метр кавланса, шундай ноёб буюмлар чиқишда давом этаётир. Ушбу топилмаларни ўрганган археологлар улар милоддан аввалги еттинчи аср, милодий ўн иккинчи асргача тааллуқли ашёлар эканини аниқладилар.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Куни кеча археолог Константин Крахмаль тадқиқотида бу ердаги бир кашфиётга ташхис қўйилди. Булоқ пастлигида жойлашган мозаика усулидаги деворни қадимда, яъни Нуҳ пайғамбар даврида денгизлар ёрилиб, тўнтарилган денгиз тубларидан қолган ёдгорликлар, деб баҳоланди. Бу манзилдаги топилмалар дунёдаги энг қимматбаҳо маданий меросلار қаторидан ўрин олиши кутиляпти. Ҳозирги кунда ЮНЕСКО халқаро ташкилотига тақдим этиш учун зарур меъёрий ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллигига муносиб тухфа бўлган ушбу обида ҳали батафсил ўрганилади. Унинг бағридан Ўзбекистонимизнинг қадим тарихига оид яна бошқа ноёб артефактлар чиқса, ажабмас.

**Шоҳида СУЛТОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси эксперти, Инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази раҳбари.**

## Халқ дейдики...

# Ҳамжиҳатлик, тотувлик бор жойда файзу барака бўлади

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бугунги кунда диний соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизни беҳад мамнун этмоқда. Замон талабида қад ростлаётган масжиду мадрасалар, зиёратгоҳу қадамжолар юртимиз кўркига кўрк, ҳуснига тароват қўшяпти. Мустабид тузум даврида улуғ каъбага ета олмай армон билан ўтган аждодларнинг юз минглаб авлодлари бугун муқаддас замин зиёратида бўлмоқдалар.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан афв эълон қилиниши минглаб оилалар бағрини бутун этди. Бир вақтлар билиб-билмай адашган, ҳозирги кунда хатоларини англаб, пушаймон бўлган юртдошларимизнинг ўксик қалблари сурурга тўлди. Қачонлардир хорижга “жаннат” излаб кетиб, сарсону саргардон бўлган ожизалар ва гўдакларнинг юртимизга қайтарилиши ҳам инсон омилига бўлган юксак эътибор намунасидир.

Жумладан, Тошкент вилоятида бўлаётган ишларни изчил бораётган ислоҳотларнинг бир бўлаги дейиш мумкин. Бугунги кунда вилоятдаги ҳар бир миллат ёки дин вакилига муносиб эҳтиром кўрсатилмоқда. Кўп сонли мўмин-мусулмонларимиз учун бугун 225 жоме масжиди фаолият юритмоқда. Мўмин-мусулмонларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида вилоятдаги 53 та масжидда қайта қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Миллий ҳамда замонавий меъморчилик услубида бунёд этилаётган масжидлар вилоятимиз чиройига чирой қўшяпти. Мустақиллигимиз шодиёналари арафасида вилоятдаги Олмалиқ шаҳрида янги масжид барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Олиб борилаётган бундай хайрли ишлар халқимизни рози қилиш, фаровон ҳаёт барпо этиш, миллатлар ва динлараро ўзаро ҳурмат ҳамда бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, ҳамжиҳатлик, тотувлик ва инсон қадрланган юртда файзу барака бўлади.

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**Тошкент вилояти бош имом-хатиби.**

# ЯНГИ ФИЛИАЛ — ЯНГИ ИМКОНИЯТ

*Узоқни кўзлаган жамоа, албатта, ўз инфратузилмасини кенгайтириб бориши керак. Бу, айниқса, молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун жуда зарур. Чунки иқтисодиёт ривожланган сари молиявий хизматларга бўлган талаб ҳам ортиб бораверади.*

*Акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси ўз фаолиятида ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Банкнинг яқинда ишга туширилган Сергели филиали шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Шу муносабат билан банк томонидан юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ушбу янги филиалга медиа-тур уюштирилиб, журналистлар бинода яратилган замонавий шароитлар билан таништирилди.*




## Молия муассасаларида

Бугунги кунда “Қишлоқ қурилиш банк” тизимидаги 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 “Банк хизматлари кўрсатиш маркази” ҳамда 201 та шохобча аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида фаолият бошлаган янги филиал аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада яхшилашга хизмат қилади. Бу ҳақда янги филиал очилиши муносабати билан банк бошқаруви ва Сергели тумани ҳокимлиги раҳбарлари, банк мижозлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар алоҳида тўхталиб ўтди. Юртимизда банк тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар ва уларнинг амалий натижалари хусусида фикр билдирилди. Бу жараёнда акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан эришилаётган ижобий натижалар эътироф этилди.



Таъкидландики, 2020 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 2 334,2 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда йил бошидагига нисбатан 888,3 млрд. сўмга ортди. Ҳисобот даврига банкнинг шаклланган устав капитали 1 855,2 млрд. сўм бўлди. Банкдаги жами депозитлар миқдори 3 301,0 млрд. сўмни, жумладан, қисқа муддатлиси 684,4 млрд. сўмни, узоқ муддатлиси 2 616,6 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, йил бошидагига нисбатан жами депозитлар миқдори 17,9 фоиз, узоқ муддатли депозитлар эса 503,3 млрд. сўмга ёки 24,0 фоиз ошган.

Шу билан бирга, бугунги кунда банк томонидан жорий қилинган жами 12 турдаги омонатлар ҳам фуқароларнинг бўш турган маблағларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ишончли сақлаш баробарида, яхши даромад қилишларига ҳам имкон бермоқда.

Ўз навбатида, халқаро пул ўтказмалари ва банк пластик карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар мунтазам равишда замонавийлик касб этаётир.

Янги филиалда ушбу хизматларни кўрсатиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Эътиборлиси, “Чакана хизматлар маркази” ҳам мавжуд бўлиб, мижозлар ўзларини қизиқтирган банк фаолиятига оид исталган савол ва мурожаатларига реал вақт режимида тўлиқ жавоб олишлари мумкин.

Турли тўловларни амалга ошириш, халқаро пул жўнатмалари ҳамда валюта айирбошлаш учун кассалар ҳам ташкил этилган. Мухтасар айтганда, банк биноси замонавий банк технологиялари, хусусан, банкоматлар, инфокиосклар билан жиҳозланган. Мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Айни вақтда банкда 42 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Банк филиалида замонавий форматдаги “back office”, “front offise”лар ҳам мавжуд.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари филиалда яратилган қулайликлар билан атрофлича таништирилди. Шу билан бирга, филиал биносида жойлашган, замонавий талабларга жавоб берадиган янги ўқув маркази ҳам кўздан кечирилди. Марказда бир вақтнинг ўзида ўқув машғулотларини олиб бориш ва масофавий ўқитиш учун зарур шароитлар яратилган, замонавий рақамли лаборатория фаолияти йўлга қўйилган.

“Қишлоқ қурилиш банк“ АТБ келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали мижозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилаверади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

## Танлов

# «Ўзбек тилини ўқитишнинг энг яхши методикаси»

### ЯНГИ ТАНЛОВ АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги* ***“Ўзбек тилини ўқитишнинг энг яхши методикаси”*** *илмий-ижодий ишлар республика танловини эълон қилди.*

Айтиш жоиз, танловнинг асосий мақсади ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, олий таълим муассасаларида ўзбек тилининг ўқитилишини такомиллаштирувчи илмий-услубий фаолиятни ривожлантиришдан иборат.

Танловга филологик, нофилологик, методик йўналишлар бўйича илмий, услубий, ижодий ишлар қабул қилинади. Республика танлови ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши дарслик, энг яхши ўқув қўлланма, энг яхши услубий қўлланма номинацияларда ўтказилади.

Танловда 1-ўринни қўлга киритганлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари, 2-ўринни эгаллаганлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баробари, 3-ўрин соҳиблари эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга илмий, услубий, ижодий ишлар 2020 йилнинг 20 сентябрига қадар қабул қилинади. Ижодий ишларни кўриб чиқиш ва баҳолаш — 10 октябргача, ғолибларни тақдирлаш эса 20 октябргача амалга оширилади.

Ижодий ишлар metodika@edu.uz электрон манзили орқали онлайн қабул қилинади.

Танлов юзасидан қўшимча маълумотларни www.til.gov.uz сайтидан, вазирликнинг @edu.uz телеграм каналидан ёки ташкилий қўмитанинг 71-246-16-24 телефон рақами орқали олиш мумкин.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ҳамда Касаба уюшма қўмитаси Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси профессори Ирина Жуковскаяга отаси
**Евгений ЖУКОВСКИЙнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.15 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6